

*Фарзандларимизга  
нафақат ишонч  
билириш, балки уларга  
ўзини амалда намоён  
этиши учун майдонни  
кенгайтириш керак.*

Ислом КАРИМОВ



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМОСИННИГ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ

2010 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари муҳокама этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 29 январда республика Хукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакат иктиносидётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашни, ундаги таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга

ошириш ҳамда шу асосда иктиносидёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатларини, унинг макроиктисодий мутаносиблигини таъминлаш ва самарадорлигини юксалитириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини, шу жумладан, иктиносидёт тармоқлари ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича дастuriй чора-тадбирларни сўзсиз амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари иш-

лаб чиқариш ҳажмининг 11,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш ҳажмининг 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 10,3 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 10,9 фоизга ўсишини таъминлангани қайд этилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз микдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлмади.

Кун тартибидағи масалаларни муҳокама қилиш давомида иктиносидёт тармоқлари ва соҳаларининг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Экспорт қилувчиларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш ва янги сотиш бозорларига фаол кириб бориш ҳисоби-

га экспорт ҳажмининг 14,3 фоизга ўсиши таъминланганлиги ҳамда ташқи савдо айланмасининг сезиларли микдордаги ижобий сальдосига эришилганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан хисобот даврида жаҳоннинг 139 мамлакатига, шу жумладан, 26 янги мамлакатга товарлар ва хизматлар экспорт қилинди.

Ушбу масала бўйича вазирлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари олдига экспорт маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)нинг турларини янада кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, ташқи савдо инфраструктурунинг ривожлантириш, сотишнинг анъанавий йўналишларида мавқени мустаҳкамлаш ва янги хорижий бозорларни ўзлаштириш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Мажлисда Инқирозга

карши чоралар дастури доирасида иктиносидёт ўсишининг мақсадли параметрларига мувофиқ иктиносидёт тармоқларини барқарор кредитлаш учун кредит ресурсларининг узоқ муддатли манбаларини жалб этиш, банкларнинг капиталлашувини ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кенгайтириш бўйича қабул қилинган Хукумат қарорларининг бажарилиши батафсил кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли омонатлари ҳажми йил бошидагига нисбатан 41,8 фоизга ўди, банкларнинг ресурс базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, бу эса кредит кўйилмалари 30,3 фоизга ўсишини таъминлаш имконини берди. Хисобот даврида ўзлаштирилган инвестиция кредитлари ҳажми 2,3 баравар кўпайди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЁШ МАТЕМАТИКЛАРНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi



Истиқлоннинг ilk кунлариданоқ Президентимиз ташабbusи билан фарзандларимиз камолини ўйлаб амалга оширилаётган таълим-тарбия тизимида кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераятти. Бу тизимда рўй берётган улкан ўзгаришлар нафақат ўзимизда, балки ҳалқаро миқёсда ҳам тан олиниб, эътироф этилаётгани барчамизга қувонч бахш этаётир. Жорий йилнинг 2—14 июль кунлари Қозогистон Республикасининг Остона шаҳрида ўтказилган 51-Халқаро математика олимпиадасида ҳам ўқувчи ёшларимизнинг зафар қучгани ана шу ғамхўрликларга нисбатан ёшларимизнинг муносаб жавоби бўлди, десак янглишмаймиз.

Таъқидлаш жоизки, ҳалқаро математика фан олимпиадаси дунёда энг нуфузли олимпиадалардан бири ҳисобланади. Мазкур олимпиадада ҳар бир таклиф қилинган давлатдан б нафар ўқувчидан иборат жамоа иштирок этди.

(Давоми 3-бетда.)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботларида банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлашва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, айниқса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошираётган корхоналарни, шу жумладан, банкларнинг балансларига берилган банкрот корхоналар негизидаги лойиҳаларни кредитлаш орқали қўллаб-куватлашни кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилиши, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар курилиши батағсил кўриб чиқилди.

Кишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган 223та ер массивида намунавий лойиҳалар бўйича 6800 та уй қурилиши амалга оширилиб, уларнинг 2010 йил учинчи чорақда фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда, янги қишлоқ турар-жой массивларига туташ 213,9 км. узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини куриш тугалланди. Ҳисобот даврида курилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116ta янги корхона, шу жумладан, 25ta гишт

ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига «Давархитекткурилиш» кўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ҳокимларни билан биргалиқда 2011 йилда қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар бўйича якка тартиба уй-жой қуриш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни қуриш ва таъмирлаш дастуруни бажариш доирасида, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрални участкаларини қуриш объектларида 190,6 млрд. сўм ёки 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ ўзлаштирилди, йўлбўйи инфратузилмаси ва сервис объектлари қурилмоқда ва фойдаланишга топширилмоқда. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Навоий шахрининг халқаро аэропорти орқали юқ ва йўловчи ташиш ҳажми 22 фоизга ўси, «Ангрен» логистика маркази ўз фаoliyatini бошлади.

Мажлиснинг кун тартиби доирасида нақд пул айланнишини янада такомиллаштириш, нақд пул тушумини банк кассаларига тўлиқ тушишини таъминлаш ва пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китoblar тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-

тадбирларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди. Нақд пулсиз ҳисоб-китoblar тизимини янада ривожлантириш доирасида чиқарилган пластик карточкалар ва ўрнатилган терминаллар сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 38,7 фоизга ва 66,5 фоизга оши, шунга мувофиқ пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2,7 баравар оши.

Мажлис иштирокчилари томонидан нақд пулсиз муомалани кенгайтириш ҳамда пул маблағларининг банқдан ташқари айланиши сабабларини бартараф этишга йўналтирилган кўшимча чора-тадбирлар қуриш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, хўжалик бирлашмалари ва иирик корхоналарнинг барқарор ишлашини, молиявий мустаҳкамлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш дастурларини сўзсиз бажариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши 7,1 трлн сўм миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштиришни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида нисбатан 1,3 баравар

кўп ўзлаштиришни таъминлаганлиги қайд этилди. Ишлаб чиқаришни техник модернизациялаш бўйича 108 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, шунингдек, 529ta ишлаб чиқарish объекти фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётнинг айrim тармоқлари фаолиятини таъкидий таҳлил қилиш давомида ишлаб чиқарishни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашга доир дастuriй чора-тадbirлар бажарилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ вазифалар қайд этилди.

Тармоқларнинг рақобатбардошлиги даражасини янада ошириш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига иқтисодиёт тармоқларида энергия сифимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган кўшимча чора-тадбирлар дастуруни ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишини, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битируvчilarini касб-хунар коллежлари ва академик лицеиларга тўлиқ қабул килишини таъминлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битiruvchilarini

рини ишга жойлаштириш ишларининг натижадорлигини муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 509 мингтадан ортиқ иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш таъминланганлиги қайд этилди.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларни, вазирларликлар, идоралар раҳбарлари олдига, биринчи навбатда, ташкил этилаётган иш ўринлари сонини кўпайтириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, шунингдек, касб-хунар коллажлари ва академик лицеилар битiruvchilarini ишга жойлаштириш ҳисобига аҳоли бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Республика Хукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишили қарорлар қабул қилинди, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА)

Истевъодли ва фаол ёшларни, турли кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ғолибларини қўллаб-куватлаш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги «Лочин» дам олиш масканида «Келажак овози-2010» ёшлар ёзги ўкув оромгоҳи ташкил этилди.

Тадбир дастуридан бизнес, психология, музокара олиб бориш амалиёти, ўзаро мuloқot va ommaviy чиқишилар, замонавий аҳборот-коммуникация технологиялари, жамоаларни шакллантириш ва бир мақсад сарни жипслаштириш, муаммоларни ҳал этишининг энг мақбул усуулларини ривожлантириш, ёшларни ишга жойлаштириш, билим ва кўнникомаларини оширишнинг самарали амалиёти, замонавий молия тизими, замонавий журналистика асослари, менежмент ва бошқа мавзуларда ўкув машгулотлари ўрин олган. Шунингдек, тренинглар, аҳборот-семинарлар, интерактив ва кўнгилочар ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказилади. Ёшлар «Менинг шахрим», «Нима? қачон? қаерда?» каби қизиқарли танловларда иштирок этадилар.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА)  
олган сурат.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биринчи марта ушбу олимпиада 1959 ийли Руминияда ўтказилган бўлиб, унда 7 мамлакатдан ўқувчилар иштирок этган бўлса, 2010 йилдаги 51-Халқаро математика фан олимпиадасида 96 мамлакатдан 517 нафар ўқувчи қатнашиди. Ўзбекистон Республикаси ўқувчилар жамоаси мазкур олимпиадада 1997 йилдан бўён қатнашиб келаётди. 1997–2009 йилларда ўқувчиларимиз 4та кумуш ва 20та бронза медали ҳамда 19та рағбатлантирувчи диплом сохиби бўлгани эса ёшларимизнинг тенглар ичра тенг бўлиб юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётганини англатади.

Белгиланган тартибга кўра олимпиада қатнашчилари 2 кун давомида бта масала берилди (ҳар куни 3 масаладан). Ҳар бир масала халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан 7 балл билан баҳоланиб борилди.

Энг куонарлиси, бу йилги олимпиадада иштирок этган 6 нафар ўқувчи — Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчилари — Умидахон Жўраева, Иброҳимбек Акромов, Жаъфар Абдураҳимов, Зариф Иброҳимов, шунингдек,



республикамиз терма жамоаси йирик натижага эришганини эшитиб, роса куондик. Тақдирлаш маросимида ота-

муносиб ҳимоя қилишиди, — дейди жамоа раҳбари, Тошкент вилояти давлат педагогика институти математика

## ЁШ МАТЕМАТИКЛАРНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманиндағи 52-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Азизхон Назаров, Сирдарё вилояти Бойевут енгил саноат касб-хунар колледжининг З-курс ўқувчиси Жасурбек Баҳромовнинг ечган масалалари юқори баҳоланди ва улар халқаро олимпиадада 4та кумуш, 1та бронза ва 1та рағбатлантирувчи дипломни кўлга киритдилар.

Куни кечада Тошкент Халқаро аэропортида 51-халқаро математика олимпиадаси иштирокчилари Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, ОАВ ходимлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари томонидан тантанали кутиб олинди. Аэропортда ўқувчи-ёшларимизни интизорлик билан кутиб турар эканмиз, олимпиада иштирокчиларининг зукко ва билимдонлигига барча яна ва яна тан берадиганига, бунда ҳукumatimiz томонидан фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай баркамол вояга етиши йўлида амалга оширилган бекиёс имкониятлар омил бўлаётгани икrorларда бот-бот таракорларди. Ва ниҳоят, қатнашчилар Халқаро аэропорт фойесидан якка тартибда эмас, жамоа шаклида жамланишиб, давлатимиз байргонини кўлда тутган ҳолда чиқиб келишди. Бу — жамлансан, катта мусобақаларга жиддий тайёрлансак, теран фикрласак, албатта, голиб бўлмиз деган маънони англашиб турар эди.

Ана шу ҳаяжонли дақиқаларда олимпиада қатнашчиларини кутиб олишга чиқканлар табриклаб, зэгу тилакларини билдириди. Шундан сўнг иштирокчилар билан мулоқотлар бошланиб кетди.

Халқаро математика фан олимпиадасида ҳар бир иштирокчи голиблик шоҳсупасига кўтарилишга ҳаракат қилишиди, — дейди олимпиаданинг кумуш медали совриндори Умидахон Жўраева. — Биз ҳам мамлакатимиз шаънини юқорига кўтариш ҳамда устозларимиз ишончини оқлаш мақсадида бор билим ва имкониятларимизни ишга солдик. Беллашув якунида

онам, устозларим кўз олдимга бирмабир кела бошлади. Бундай муваффакиятга эришишимизда юртимизда биз ёшларга яратиб берилган имкониятлар ҳамда шунга ҳар доим муносиб бўлишга ундан, йўл-йўрик кўрсатиб келаётган устозларимизнинг хизматлари ниҳоятда катта. Мен уларга чин дилдан раҳмат айтаман.

— Ўғлим Азизхон Назаров халқаро мусобақада голиб бўлганидан кўксим осмон қадар юксалди, — дейди Мавжуда Нуриллаева. — Ўзим физика фани ўқитувчиси бўлганим учун бу ютуқлар жуда катта меҳнат эвазига келганини яхши англаб турибман. Шу боис Қоракўл туманиндағи 52-иқтидорли болалар мактаб-интернати директори Тўхтамурод Жумаев, математика фани ўқитувчилари Гулнора Жумаева, Голиб Жумағулов, Жаҳонгир Жумаев ҳамда шу мактабни битириб, жаҳон миқёсига чиқкан ўқувчилар Ўткиржон Болтаев, Жасур Кўчкоровга миннатдорлик билдираман. Чунки улар ўғлимнинг чукур билимга эга бўлиши учун сидқидилдан меҳнат қилишиди.

— Халқаро олимпиадада биринчи бор қатнашганим боис, менда қаттиқ ҳаяжон бор эди, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейнинг З-курс ўқувчиси Иброҳимбек Акромов. — Шундай бўлса-да, бизга юқлатилган маъсуллиятни англаган ҳолда мавжуд билимларимни ишга солдим. Шу аснода ёшлар — келажагимиз, деб бизга кўрсатаётган этибори, ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга ташаккуримни изҳор этаман. Очиги, интеллектуал ёшларнинг нуғузли беллашуви ҳамда бошқа мамлакатлар ёшлари билан бўлган мулоқотларда чукур таассуротларга эга бўлдим. Бизни бутун куч-куватини ишга солиб, ўқитгани учун устозларим — Жамшид Расулов, Шерзод Дўстов, Ором Норқуловга ҳам таъзим қиласман.

— Жаҳоннинг билимдан ўқувчилари қатнашган халқаро олимпиадада бизнинг ўғил-қизларимиз юқори натижаларга эришиб, она-юрт шаънини

ва физика факультети декани, доцент Шуҳрат Исмоилов. — Улар беллашувга узоқ ва жиддий тайёргарлик кўришиди. Шу сабабли ҳорижлик тенгдошлиридан бўш келишмади. Қисқаси, мамлакатимизда ёшларнинг баркамол вояга етиши йўлида ҳукumatimiz томонидан таълим соҳасига қаратилаётган этибор ва ғамхўрликлар ўз меваларини бераяпти.

Кеча халқаро олимпиадада зафар кучган ўқувчи-ёшларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Баҳодир Ходиев қабул қилди. Вазир голибларни кўтлар экан, мамлакатимизда таълимга берилаётган этибор, ёшларга яратилаётган шартшароитлар тўғрисида батағсил гапирди. Бу муваффакият давлатимиз томонидан берилаётган этиборга ўзига хос жавоб сифатида қабул қилинишини таъкидлади. Шунингдек, голиб ўқувчилар ва уларнинг устозлари шаънига илиқ фикрлар билдириб, бундан кейин ҳам юртга муносиб фарзандлар бўлишини тилашди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиқкан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейнинг З-курс ўқувчиси Умидахон Жўраева, жамоа раҳбари Шуҳрат Исмоилов ва бошқалар юртимизда ёшларимиз илм-фан чўққиларини забт этишларида яратилаётган имкониятлар учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдириб, бу ютуқ Баркамол авлод йилига ўзига хос түхфа бўлгани, келажақда таълимни юксалтиришига бутун куч ва имкониятларини сарфлаяжагни изҳор этдилар.

Қабул якунида математика фани бўйича 51-Халқаро олимпиада иштирокчилари, жамоа раҳбарлари ва устозларга вазирлик томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Курбонбой  
МАТҚУРБОНОВ,  
“Ma'rifat” мухбири

Владимир ГРАНКИН  
олган суратлар.

## БУНЁДКОР ЁШЛАР уларнинг бўш вақти бўлмайди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ёшларни ижтимоий кўллаб-куватлаш, ёшларни вактинчалик иш билан таъминлаш, талабаларнинг ёзги таътил давомидаги бўш вақтларини фойдаланиб меҳнат билан банд қилиш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар меҳнати ҳаракати лойиҳасига кўл урилди.

Ёшлар лойиҳа доирасида юртимизда кечада ўринлини, 2007 йилдан бўён Тошкент темир йўл мұхандислари институти «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти томонидан анъанавий равиша «Бунёдкор ёш темирйўлчи» талабалар меҳнат отряди ташкилластириб келинмоқда. Ушбу отряд дастлаб Тошгузар — Бойсун — Қумқўргон темир йўл линияси қурилишида, 2008 йили 1200 ўринга мўлжалланган Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг янги биноси қурилишида, 2009 йили «Локомотив» футбол клуби спорт мажмуаси қурилиши ва Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежи ўқувчилари турар жойини капитал таъмирлашда иштирок этиши. Жорий йилда ҳам бу ташабbus кўллаб-куватланди.

Куни кечада институтнинг 80 нафар талабаларини бунёдкорлик ишларида кузатиш маросими бўлиб ўтди. Бу йилги «Бунёдкор ёш темирйўлчи-2010» талабалар меҳнат гурухлари З йўналишда ишга жалб қилинадиган бўлди. Чунончи, улардан 30 нафари «Локомотив» футбол клуби спорт мажмуаси қурилишига, 30 нафар ёшлар Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ўртасидаги тезорар поезд линиясига ва 20 нафари эса билим даргоҳидаги қурилиш ишларида қатнашадиган бўлишиди. Тўрт йилдан бўён намунавий отряд сифатида ўзини кўрсата олган «Бунёдкор ёш темирйўлчи» меҳнат гурухи аъзолари навбатдаги қурилиш жойларига тантанавор руҳда кузатиб қўйилди.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсиянома асосида электро механика факультетида ўқишига қабул қилингандим. «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан ўтказилаётган бу лойиҳа менда ҳам қизиқиши ўйғотди. Танлов асосида кўнгилли ёшлар орасидан ўрин эгаллаганимдан хурсандман, — дейди Феруз Ўринов.

Фаол талабалардан Жамшид Суюнов ва Фиёс Қаландаров ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар катори кўнгиллилар сафидан жой олиб, меҳнат гурухидаги фаолият олиб бораётганликларидан мамнунлигини таъкидлайди.

Анвар КОБИЛОВ





**"Устоз-шогирд"** усулида таълим олиш миллатимизга хос анъаналардан бири бўлиб, у минг йиллар давомида вакт синовидан муваффакияти ўтиб келаётган ўқитиш ва ўргатишнинг ўзига хос шаклидир.

Бугун халқимиз томонидан эътироф этилган таълим беришнинг бу усули янгича ёндашув асосида таъмиллаштирилиб, бевосита педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида жорий этилмоқда.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини янада та-

ойларида Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 205 нафар (40 соатлик), Қорақалпостон Республикаси ва вилоятлардан 24 нафар (80 соатлик) бўлғуси мутахассис-тренер худудларда устоз-ўқитувчиларни ўқитиш учун "Истеъод" жамғармасида "Таълимда инновациялар" мавзуидаги маҳсус малака ошириш курсида тайёргарликдан ўтди.

Ушбу курсда асосан таълим тизимида инновациялар, ўқитувчининг инновацион фаолияти, педагогик маҳорати ва педагогик техникасини такомиллаштириш усуслари билан танишдик. Семинар-тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини, дарснинг технологик харитасини тузиш, дарснинг мақсади ва кутилаётган натижаларидан келиб

педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари ўкув дастурларига ҳам жорий этиш, амалдаги дастурларни янгича талаблар асосида қайта ишлаб чиқиш юзасидан А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, курсларнинг ўкув-мавзуу режалири янгилиниб, уларнинг ҳар бир блоки бўйича ўкув-услубий маҳмуналар яратилмоқда. Ҳозир маҳсус таълим йўналиши бўйича барча курслар учун ўкув-услубий маҳмуналар, "Илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда кўллаш" блокининг ўкув-услубий маҳмуси яратилди ва институт иммий кенгашида тасдиқланди.

Шу билан бирга институт иммий-педагогик жамоаси томонидан "Истеъод" жамғармаси дастури асос қилиб олинган ҳолда, устоз-ўқитувчилар мақсадли ўкув курслари учун ўкув режа, дастур ва ўкув материаллари яратилди.

Жамғарма билан ҳамкорликда тайёрланган мутахассис-тренерлар ёз давомида худудларда устоз ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун ўкувлар ташкил этмоқда ва янги ўкув йилидан бошлаб бу жараён, яъни "Устоз-шогирд" усулида малака ошириш бевосита таълим муассасаларининг ўзида давом эттирилади. "Устоз-шогирд" усулинига амалга жорий этилиши халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, таълим бериш сифатини оширишга хизмат қиласи. Шунингдек, ушбу усули ёш педагог кадрлар малакасини оширишга ҳамда уларнинг янги авлодини шаклантиришда ўзига хос миллий ёндашув бўлиб, келажакда таълим самарадорлигини таъминлашга муносаб хисса ҳашади, деб ишонамиз.

**М.ЖУМАНИЁЗОВА,  
педагогика фанлари  
номзоди,  
А.Авлоний номидаги  
ХТХҚТМОМИ**

**"Умумтаълим фанлари ва  
педагогик технологиялар"  
кафедраси ўқитувчи**

чиқиб, дарс типига мос интерфаол методларни танлаш таъмилларини ўргандик. "Бумеранг", "Зинама-зина", "Мумаммо", "Чархпалак", "Тушунчалар таҳлили", "Резюме", "Идророк харитаси" каби технологиялар ва интерфаол методларни таълим жараённида кўллаш бўйича малакаларимизни оширидик.

Мавжуд бўлган 144 соатлик курс одатда анъанавий дастурлар асосида олиб борилади ҳамда тингловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мослаб ўзгартирилмайди. Шу сабабли тингловчилар етарли даражада фаоллик кўрсатмайди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Истеъод" жамғармаси ҳамкорлигига тузилган малака ошириш курсининг дастури эса аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, устоз ўқитувчиларнинг билим, кўнікма ва малакалари хисобга олинганлиги, шунингдек, курсдан кутилаётган натижаларнинг аниқ белгиланганлиги ҳамда курс иштирокчиларнинг ўзлаштириш даражасини узлуксиз назорат қилиш механизмининг мавжудлиги, яъни у аниқ эҳтиёжларни хисобга олиб ишлаб чиқилганлиги билан анъанавий дастурлардан фарқ қиласи.

## Fan va yo'naliishlar bo'yicha sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish yuzasidan TAVSIYA

(Davomi.  
Boshi o'tgan sonlarda.)

### DAVLAT VA HUQUQ ASOSLARI

Davlat va huquq asoslari o'quv fani bo'yicha o'quvchilarning yosh va psixofiziologik xususiyatlarga mos kelmaydigan, fanlararo bog'lanishni ta'minlamaydigan, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limenting O'zbekiston tarixi fanida takrorlanadigan hamda umumiyl o'rta ta'limenting Davlat ta'lum standartlarida mavjud bo'Imagan bilimlar chiqarilib, o'quv dasturi ham shunga moslashtirildi.

#### Jumladan, 8-sinf "Davlat va huquq asoslari" o'quv dasturida:

— "O'zbekistonda fuqarolik jamiyatining shakkantirilishi" mavzusi o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limenting 2-bosqich "O'zbekiston tarixi" fani dasturida;

— "Davlat" mavzusidagi "O'zbekiston hududidagi ilk davlatlar" tushunchasi, 6-sinf tarix fani dasturida "O'zbekiston hududidagi ilk davlatlar" mavzusida;

— "Davlat boshqaruv shakllari" mavzusidagi "Tarixda O'zbekiston hududidagi davlatlar boshqaruvi. Amir Temur davlati" tushunchalari 7-sinf "O'zbekiston tarixi" fani "Amir Temur markazlashgan davlat asoschisi" mavzusida o'qitilishini inobatga olib, dasturdan chiqarildi. Shuningdek, quyidagi huquqiy atamalar tuzatiladi:

Sud nizomi;

Sud tuzilishi — sud tizimi;

Siyosiy tartib — siyosiy tartibot;

Antidemokratik — nodemokratik tartib — tartibot.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutiyasining 89-moddasiga kiritilgan o'zgartirish va tuzatishlar inobatga olinib, 8-sinf o'quv dasturidagi "O'zbekiston Respublikasining ijro etuvchi hokimiyati" mavzusidagi O'zbekiston Respublikasining Prezidenti, vazirliklar, davlat qo'mitalari tushunchalari ikkita mavzuga ajratildi.

"Davlat va huquq asoslari" fanidan 2010-2011-o'quv yili uchun 8-sinf "O'zbekiston davlati va huquq asoslari" (O.Karimova va b.) darsligi qayta ishlanib, unda O'zbekiston Respublikasi Konstitutiyasiga va boshqa qonunlariga kiritilgan o'zgarish hamda tuzatishlar joy oldi. O'quvchilarning yosh xususiyatlari e'tiborga olgan holda darslikdagi "Fuqarolik jamiyat" mavzulari chiqarildi. Shuningdek, "Davlat boshlig'i" nomli yangi mavzu kiritildi. 9-sinf "Konstitutiyaviy huquq asoslari" (G.Tansiqboyeva va b.) darsligi qayta ishlandi. Darslik O'zbekiston Respublikasi Konstitutiyasi va boshqa qonunlariga kiritilgan o'zgarish hamda tuzatishlar bilan qayta nashr qilindi.

### IQTISODIY BILIM ASOSLARI

Davlatimiz tomonidan olib borilayotgan iqtisodiy va siyosiy

sohadagi islohotlarning maqsadi yurtimizda istiqomat qilayotgan barcha fuqarolar uchun munosib hayot sharoitlarini tashkil yaratishdan iboratdir. Bunda har bir shaxs boshqa zarur bilimlar qatori iqtisodiy tushunchalarni teran aniqlashi ham muhim ahamiyatga ega.

Shundan kelib chiqib, ishchi guruhi xulosalari va tahlillari, ilmiy-metodik kengash tavsiyalari asosida umumiyl o'rta ta'lum maktablarida "Iqtisodiy bilim asoslari" fanidan jami **7 soat hajmdagi 7ta mavzu muvifoqlashirish. Jumladan, 8-sinf o'quv dasturlarida** jami 3 soatlik 3ta mavzu "Mehnat taqsimoti va ixtisoslashuvi", "Iste'molchilar daromad manbalari", "Bozor turlari" mavzulari umumlashtirilib, tejalgan soatlar hisobidan "Soliq tizimi" bobiga "Soliqlar va ularning turlari", "Soliqqa tortish asoslari", "Soliq to'lovchilarning xuquqlari va majburiyatlar" mavzulari kiritildi.

**9-sinf o'quv dasturida** jami 4 soatlik 4ta mavzu: "Tadbirkorlik", "Firmaning mablag'lari va xarajatlari", "Xalqaro savdo" o'rniiga "Soliq turlari" bobining "Daromad solig'i", "Mol-mulk solig'i", "Yer solig'i", "Aksiz va qo'shilgan qiymat solig'i" mavzulari kiritildi.

**Iqtisodiy bilim asoslari** fanidan 2010-2011-o'quv yili uchun 8-sinf "Iqtisodiy bilim asoslari" (E.Sariqov va b.) darsligi qayta ishlanib, quyidagicha takomillashtirildi. Darslikda jami 3 soatlik 3ta mavzu — "Mehnat taqsimoti va ixtisoslashuvi", "Iste'molchilar daromad manbalari", "Bozor turlari" mavzulari umumlashtirilib, "Soliq tizimi" bobiga "Soliqlar va ularning turlari", "Soliqqa tortish asoslari", "Soliq to'lovchilarning huquqlari va majburiyatlar" mavzulari kiritildi.

**9-sinf "Iqtisodiy bilim asoslari" (E.Sariqov va b.)** darsligi qayta ishlanib, jami 4 soatlik 4ta mavzu "Tadbirkorlik", "Firmaning mablag'lari va xarajatlari", "Xalqaro savdo" soatlari umumlashtirilib, "Soliq turlari" bobiga tejalgan mavzular hisobidan "Daromad solig'i", "Mol-mulk solig'i", "Yer solig'i", "Aksiz va qo'shilgan qiymat solig'i" mavzulari kiritildi.

### JISMONIY TARBIYA

Jismoniy tarbiya va sport insonni nafaqat jismoniy, balki ma'naviy jihatdan ham yuksaltiradi. Darhaqiqat, sport irodani toplaydi, insonni aniq maqsad sari intilish, qiyinchiliklardan bardosh va chidam bilan yengib o'tishga o'rgatadi. Maktabda jismoniy tarbiya jarayoni pedagoglardan jismoniy tarbiyaning asosi nimalardan iboratligi, uning mazmuni, tashkil qilinishini, bolalarni harakatga o'rgatish metodikasini bilishni talab qiladi. O'quvchilarda jismoniy tarbiya jarayonining maqsadi asta-sekinlik bilan ularning jismoniy kamolotga erishishi va shu asnoda hayotga, ijodiy mehnatga va chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlashni nazarda tutadi.

Shuni ta'kidlash lozimki, ta'limenting barcha turlarida o'quv dasturlarining uzluksizligi va uzyviligini ta'minlash borasida katta ishlar amalga oshirilmoqda. Natijada, o'quv dasturlaridagi takrorlanishlar, o'quvchilarning psixologik, anatomik-fiziologik xususiyatlari va yoshi,

jismoniy tayyorgarlik darajasidan kelib chiqqan holda o'quv dasturlariga tegishli o'zgartirishlar kiritildi. 2010-2011-o'quv yildan boshlab ushbu o'quv dasturi o'quv jarayoniga tatbiq etiladi. Shunga ko'ra, o'quv dasturidagi o'zgarishlar har bir o'qituvchiga yetkazilishi va ularni o'quv jarayoniga tatbiq etishga oid tavsiyalar berish lozim. Ya'ni:

1-sinfda gimnastika bo'limidan «O'tirib g'ujanak bo'lish, oldinga o'mballoq oshish, kuraklarda tik turish, chalqancha yotgan holda ko'priq (most) turish» va «Arqonga yoki uzun tayoqqa erkin usulda tirmashib chiqish», «Osilish: past turnikda bir oyoqda, ikki oyoqda osilib turish» kabi mavzular o'quv dasturidan chiqarilib, o'rniga «Past turnikda qo'llarni almashtirib o'ng va chap qo'llarda

5-sinf gimnastika bo'limidan «Tirmashib chiqish, tayanib sakrash» mavzulari chiqarilib, «Ritmik gimnastika» va «Badiiy gimnastika» mavzulari o'quv dasturiga kiritildi.

6-sinf yengil atletika bo'limidan «13 minut davomida bir me'yorda yugurish» mashq usuli murakkabligi sababli o'quv dasturidan chiqarilib, «10 minut davomida bir me'yorda yugurish» mashq usuli bilan almashtirildi.

8-sinf yengil atletika bo'limidan «2 km masofaga notejis joylardan guruh bo'lib yugurish» mavzusi «100 metr masofa bo'yab yugurish, marraga yetib kelish texnik usullarini bajara olish» mavzusi bilan almashtirildi. Avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarida jismoniy tarbiyani o'qitish metodikasi bo'yicha bir talay



osilib turish» va «Tayanib sakrash» hamda «Gimnastika o'rindig'i», «Yakka cho'p ustida» muvozanatni saqlash mashqlari usulidagi amaliy mashg'ulotlar kiritildi.

2-sinfda gimnastika bo'limidan «Cho'qqayib tayanib o'tirgan holda, oyoqlarda depsinib oldinga o'mballoq oshish», «Gimnastik devorga qiya qilib o'rnatilgan gimnastik o'rindiq ustida tizzalar bilan tayanib yuqoriga tirmashib chiqish», «60 sm. balandlikdagi yakkacho'p ustidan oshib o'tish» va «Arqonga osilib, oyoqlarni bukib turish», «Oyoqlarni oldinga 45° S burchaklatib osilib turish», «Osilib tortilish» hajmidagi mashq usullari murakkabligi hisobga olinib, o'quv dasturidan chiqarildi. Mazkur mavzular o'rniiga buyumlar bilan mashq bajarish — «Gimnastik tayoqcha, arg'amchi, kichik va katta to'plar, to'ldirma to'plar»da mashq usullari hamda «Badiiy gimnastika» va «Muvozanat saqlash» mavzulari o'quv dasturiga kiritildi.

3-sinf gimnastika bo'limidan «110 sm xari(kozyol)ga tayanib sakrab tushish» o'quv dasturidan chiqarilib, «Tepalikdan (50—60 sm) sakrab tushish», «Tayanib sakrash» mashq usullari o'quv dasturiga kiritildi.

4-sinf yengil atletika bo'limidan «Guruh bo'lib 50 m masofaga yuqori startdan yugurish» mashq usuli o'quv dasturidan chiqarildi. Mazkur bo'limga «Asta-sekin yugurib 200 metr masofaga 3-4 marta dam olib, o'rta tezlikda yugurish» mashq usuli o'quv dasturiga kiritildi.

mavzularni muhokama qilish, fikr va tajriba almashish mumkin. Har bir tumanning shart-sharoiti, tabiiy-geografik joylashuvi, umumta'lim maktablaridagi o'ziga xos jihatlar inobatga olinishi lozim.

Quyidagi mavzular jismoniy tarbiya fanidan dars beruvchi pedagoglar diqqat-e'tiboriga havola qilinadi:

- Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi mablag'lari hisobidan foydalanishga topshirilgan sport obyektlari va sport anjomlari uskunalaridan samarali foydalanish;

- o'quvchilar sog'ligini mustahkamlashda barcha imkoniyatlarni ishga solish;

- mustaqil hayotga tayyorlanishda jismoniy sifatlar — mardlik, jasurlik, chaqqonlik, epchillik kabi xislatlarni rivojlantirish uslublari;

- o'quvchilarda bolaga hayotda kerak bo'ladigan malaka va ko'nikmalarni rivojlantirish, ularni egallashiga to'liq imkoniyat yaratish;

- o'quvchilarga jismoniy madaniyatga oid zaruriy bilimlarni berish;

- o'quvchilarni jismoniy mashqlar bilan muntazam shug'ullanishga undash va odatlantirish;

- o'quvchilarni sport musobaqalarida ishtiroy etishga tayyorlash, ularda O'zbekiston sha'nini himoya qilishga nisbatan faxr-iftixon hislarini tarbiyalash.

(Davomi kelgusi sonda.)

RESPUBLIKA TA'LIM MARKAZI

Юртимиздаги барча олий ўкув юртларида диплом топшириш тадбирлари күтаринки руҳда ташкил этилаётир. Тошкент иқтисодиёт университетида ҳам бу маросим тантанали, байрамона кайфиятда ўтказилди. Тадбир аввалида битириувчилар университет ҳовлисими алвон лента, гул ва шарлар билан безатишиди. Бу билан улар ўкув даргохига, устоз-мураббийларига меҳрлари бўлакчалигини намоён этишиди.

— Қалбимда кечаетган туйгуларни ифода этишга тилим ожиз, — деди ҳалқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислиги магистранти Наима Зоирова. — Мана шундай улуг даргоҳда таълим олганим менга фарҳа ва ифтихор бағишлайди. Устозларим берган билим ва панду насиҳатлар эса келажакда ҳаёт йўлларимда асқотишига ишончим комил.

— Наима Зоирова университетимизнинг иқтидорли талabalariдан, — деди унинг қувончига шерик бўлиб ҳалқаро иқтисодий кафедраси мудири Гулчехра Назарова. — Зийрак, ўз билимига ишонган, тинибтинчимас Наима магистрлик диссертацияси мавзусини «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида импорт ўрнини қоплаш ва экспортни ривожлантиришга қаратилган ташқи савдо сиёсатининг қиёсий таҳлили» деб номлади. У бу мавзуни иккى йил давомида Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллӣ кутубхонасида, қолаверса, университетнинг электрон ахборот-ресурслар марказида ўрганган амалий билимлари асосида ёритиб берди.

— Иқтисодиётни эркинлаштириш ва глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва илмий техник тараққиётини тезлаштирувчи омиллардан

бири бу — ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилиши ҳисобланади, — деди Н.Зоирова. — Диссертация ишимда ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга таъсир этувчи ана шу омиллар таҳтил қилиниб, салбий хусусиятга эга бўлганларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритилган. Шунингдек, тадқиқот ишимда иқтисодий инқироз шароитида

мамлакатимиз иқтисодий ривожланишини таъминловчи омиллардан бири — экспортни ривожлантириш муаммоларини бартараф қилиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлили ўрганиш йўлларини ҳам кўрсатиб ўтдим. Бу омиллар хорижликлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга ёрдам беради.

Суҳбатга бакалавриат ўйналишини битираётганларни ҳам чорлаймиз.

— Ниятим аудит бўйича етук мутахассис бўлиб этишиш, — деда сўз бошлайди бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети талабаси Шаҳноза Ҳусанова. — Битириув-малакавий ишмни аъло баҳоларга ҳимоя қилишимда қўл келди.

Яна бир битириувчи Севара Эргашеванинг «Тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисоблаш» мавzuидаги бакалаврлик иши ҳам юқори баҳоланди.

— Жаҳонда иқтисодий инқироз юз бераётган бир пайтида юртимизда кредит ўйналишини тақомиллаштиришга оид бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган,



## УЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ

ички аудитни ташкил этишни тақомиллаштириш» деб номладим. Айниқса, бу борада жаҳон тажрибасига мувофиқ амалга оширилган ишларни ўрганиб чиқдим. Устозим иқтисод фанлари доктори Карим Аҳмаджоновнинг тавсиялари битириув-малакавий ишмни аъло баҳоларга ҳимоя қилишимда қўл келди.

Яна бир битириувчи Севара Эргашеванинг «Тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисоблаш» мавzuuidаги бакалаврлик иши ҳам юқори баҳоланди.

— Жаҳонда иқтисодий инқироз юз бераётган бир пайтида юртимизда кредит ўйналишини тақомиллаштиришга оид бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган,

— деди қаҳрамонимиз. — Битириув-малакавий ишмни аъло баҳоларга ҳимоя қилишимда қўл келди.

Олимлар электр токи кашф этилган ilk даврдан то бугунги кунгача ҳали кузатилмаган бир тажрибани муваффақиятли амалга оширишди. Аниқроғи, ўсимлик ҳужайраларидан электронлар оқими ҳосил қилинди. Яна ҳам соддароқ айтилса, бевосита фотосинтез жараёнда флора олами ёрдамида микроскопик ҳажидаги электр токи ишлаб чиқилди. Кашфиёт биоэлектр токи, яъни ҳавога карбонат ангидридни чиқармаган ҳолда юқори самарали технологияни жорий этишига асос бўлиши тахмин қилмоқда, деб ёзади «Биоложи» нашри.



Маълумки, фанда фотосинтез жараённи орқали ўсимликлар қўёш нурини кимёвий энергияга айлантиради. Биотехнологиялар яратиш йўналишида иш олиб борадиган ҳалқаро тадқиқотчilar гурухи эса ҳужайраларни ўрганиш учун тиллодан махсус ўта ингичка наноэлектродни ишлаб чиқди. У эҳтиёткорлик билан ҳужайра мембронасига зарар етказмаган ҳолда киритилди. Сўнгра фотосинтез жараёни кечатган ҳужайрадан электрод ёруғлик таъсирида фаолашган (айнан шу сабаб максимал энергияга эга)

электронларни йиккан. Ўз навбатида мазкур заррачалар кичик микдордаги электр токини ҳосил қилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирча бу — электр токини ҳосил килишнинг энг тоза экологик усулидир. Шунга қарамай, жараённинг иқтисодий томондан қай даражада мақбул экан хусусидаги саволга ҳали асосли жавоб топилганича йўқ. Сабаби, ҳар бир ҳужайрадан тахминан 1 пикоампер ток ҳосил қилинади. Бу оддий кувват батарейкаси сигимига тенг токни ҳосил килиш учун соатига триллионлаб фотосинтезланувчи ҳужайралар бўлиши талаб этилади, дегани. Қолаверса, ток ҳосил қилинганидан сўнг бир соат ичада ҳужайра нобуд бўлиши мумкин. Шу сабаб, биоэлектр токини ишлаб чиқиш йўналишида тадқиқот олиб бораётган олимлар эндилика ҳужайра «умри»ни узайтируви электродни яратишга эътибор қаратишларини таъкидлаши.

## 706ta ЯНГИ САЙЁРА ТОПИЛДИ

«Кеплер» телескопи Күёш сайёralар тизими таркибига кирмайдиган 706ta сайёбани аниқлашга муваффақ бўлди. Ускуна ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил қилиган олимлар ҳозирча улардан 306tasи ҳақида ги мақолаларни чоп этишган. Изданишнинг батағсил баёни NASA расмий сайтида берилган.

Айтиш зарурки, «Кеплер» телескопи сўнгти тажриба пайтида 43 кун давомида узулксиз равишда самони кузатиб борган. Унинг ёрдамида аниқланган сайёralар катталиги турлича: уларнинг энг кичиги Ер билан тенг, энг улкани эса Юпитердан бирор каттароқ экан.

Даставвал тадқиқотчilar энг кам қизиқиш ўйғотадиган, яъни ҳаёт кечириш учун шароитлар мавжуд бўлмаган сайёralар ҳақида маълумот берилмоқда. Табиий шароитга кўра Ерга ўхаш дёя тахмин қилинётган қолган 400га яқин сайёralар ҳақида ахборотни улар қайта текширгач, 2011 йилнинг илк ойларида чоп этиш ниятида эканини ҳам маълум қилиши.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Кеплер» ускунаси Күёш тизимидан ташқарида бўлган ва тузилиши билан Ер сайёрасига ўхаш самовий жисмларни топиш учун яратилган. У 2009 йили мартда самога чиқарилган бўлиб, олим-



ларнинг таъкидлашича, телескоп тадқик этаётган галактикада тахминан 4,5 миллионта самовий жисм бор. Ўз фаолиятининг дастлабки ойларида «Кеплер» 156 минга яқин юлдузни ўрганиб чиқан.

Эътиборлиси, жараёнда мутахассисларда ўз йўлдоши ёки нур таратувчи юлдузи (Күёш каби) тизимида бўлган сайёralар энг катта қизиқиш ўйғотмоқда. Чунки бу турдаги самовий жисмларда сувнинг суюк ҳолатда мавжуд бўлиши эҳтимоли юкори. Бу эса ҳаёт кечириш учун шароит борлигидан далолат беради. Тадқиқотчilarнинг гапларига қараганда, телескоп ёрдамида олинган дастлабки маълумотлар юзлаб янги сайёralар тизимларини аниқлашга имкон яратади. Айни пайтда улар топилган янги самовий жисмларни кенгроқ тадқик этишига қаратилган мақсадли изланишларни бошлаб юборишган: мутахассислар сайёralар массасини аниқлаш борасидаги хисоб-китобларини амалга ошираяпти.

## ОРТИҚЧА ТОЗАЛИК ЗАРАР(МИ)!

Аёнки, аллергия бу маълум аллерген (ёт модда)нинг организмга таъсири натижасида иммунитет тизимида кузатиладиган ўта таъсиранлик ҳолатидир. Қизик, лекин сўнгти пайтлардаги тадқиқотлар ривожланган мамлакатлар аҳолиси мазкур касалликдан бошқаларга нисбатан кўпроқ азиат чекишини кўрсатмоқда. Ҳасталикнинг ҳар хил турлари бу давлатларда тез суръатларда тарқалиши кузатилаяпти. Ҳўш, бунинг боси нимада?

Монреаль университети профессори Гай Дилисписининг сўзларига қараганда, ушбу ҳолатга ўта даражада озодаликка ружу кўйиш олиб келар экан. Бу ҳақида «Риан.ру» манбаси эълон қилди.

Умуман олганда, ҳозир аллергияни кўзғатувчи кўплаб омиллар мавжуд. Уларга носоглом ирсият, об-ҳавонинг ифлосланиши, технологик ишлов берилган озиқ-овқат маҳсулотлари, руҳий зарба, тамаки маҳсулотларини кўп истеъмол қилиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

— Тозалик даражаси билан аллергия ҳамда иммунитет касалликларнинг кузатилиши ҳолатлари ўртасида ўзаро алоқа борлигини тажрибалар тасдиқлади. Масалан, агар ўй ўта даражада озода, кимёвий моддалар ёрдамида ниҳоятда тозаланган бўлса, унда истиқомат қулиувчи болада вақти келиб аллергия ёки иммунитет билан боғлиқ касалликларнинг кузатилиши эҳтимоли юкори, — деди профессор Дилисписси.

Аниқланнича, 1980 йили Фарб аҳолисининг факат 10 foизida аллергия кузатилган бўлса, буғунга келиб бу кўрсаткич 3 баробар ошган. Жорий йилда ҳар ўнинчи боладан биттасига астма (кўксов) ташхиси кўйилди. Тадқиқотчи санитария шароитлари ўзгартмаган ҳудудларда касаллик даражаси ҳамон бирдай сақланиб қолганини алоҳида таъкидлади. Нега бундай ҳолат кузатилмоқда, деган саволга эса у куйидагича изоҳ берди:

— Инсоннинг оқатни ҳазм қилиш тизимида бактериялар фақат истеъмол қилинган маҳсулотни қайта ишлаш жараёндагина иштирок этиб қолмайди. Улар, шунингдек, иммунитет тизимининг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди, яъни организмга кирган ёт моддаларга қарши таъсири кўрсатишда қатнашади. Айнан мазкур жихат болаларда иммунитет тизимининг шаклланишида ўта аҳамиятли.

Гигиеник чора-тадбирлар инсон соғлиғига микроорганизмларнинг хавфли таъсирини анча камайтиради. Айни пайтда бу каби тадбирлар соғлиқ учун фойдаланнилган микроорганизмларнинг нобуд бўлишига ҳам олиб келади. Натижада, ҳазм қилиш тизими микрофлораси турфа хиллигига зарар етади.

Профессор мазкур ҳолат, яъни инсон микрофлораси кучизланишининг олдини олиш учун пробиотик номини олган дори-дармонларни истеъмол қилиши тавсия этади. Чунки улар организмга ижобий таъсири кўрсатиш хусусиятига эга.

Гулруҳ ШОМУРОДОВА, Розия УСМОНОВА ва Мафтуна ҲОШИМОВА тайёрлади.


## Sharh

кадиган жонзотлардан биридир. Чунки ташки таъсири натижасида уларнинг патлари тўкилиб кетади, кўзлари заарлана-ди. Жараёнда нефть ўрта ёки кенг дара-жада тарқалганига қараб 5 мингтагача кўшқанотлилар ҳалок бўлиши кузатилади.

Ҳалокат туфайли сутэмизувчилар — сув кундузлари, кутб айиқлари, тюленлар, эндиғина дунёга келган дengиз мушуклари энг кўп ҳалок бўлади. Бунда ҳайвонларнинг нефть билан заарланган юнги чигаллашиб, иссиқлик ва сувни тутиб қолиши ху-сусиятини йўқотади. Айни пайтда «қора суюғлик» тюленъ ва китлар оиласига мансуб ҳайвонларнинг ёф қатламига таъсири этиб, уларнинг танасидан чиқадиган иссиқликни сарфлаш одатдагидан ортади. Организмга тушгач эса нефть жонзотларнинг ошқозон-ичакларига шикаст етказади, кон босими даражасининг бузилиши ва жигар заҳарланишига олиб келади. Нефтнинг булғаниши туфайли ҳавога чи-қарилган газлар ҳам фауна оламининг нафас олиш органлари заарланишига сабаб бўлади. Балиқларга нефтдан ифлосланган озуқа ва сув орқали зарар етиши мумкин.

Энг аянчлиси, экологик ҳалокат туфайли умуртқасизларга етказилган зарар оқибатлари бир неча ҳафтадан тортти 10 йилгача кузатилиши мумкин. Нима бўлганида ҳам бу ҳалокат дунё ахлини янада сергаклантиргани аник.

Наргиза ИБРОХИМОВА



**So'z ko'rki**

## NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

**K**o'za kunda emas, kunida sinadi. Ogohlikka da'vat, hushyorlik, insof-dyonatga chorlovchi maqol. Ayrimlar, hech kim bilmayapti, indamayapti deya o'g'irlik, g'irromlik, xiyonat, mo'may daromad orttirish yo'lida g'ayriqonuniy ishlari bilan shug'ullanadilar. Xalq shundaylarga ko'zingni och, o'zingni yig'ishtirib ol, bir kunmas, bir kun siring oshkor bo'lib, boshingga mushkul ish tushadi, o'shanda so'nggi pushaymon o'zingga dushman bo'ladi, degan o'gitni beradi. Obrazli qilib, bu jarayonni nozik, nafis ko'zaga o'xshatiladi. U har kuni sinavermaydi, Ollohning g'azabiga yo'lliqsan bir kuning sinib, chil-parchin bo'ladi, deyilayotir.

So'z san'ati, obrazli tashbeh va qiyos, ogohlikka da'vat ruhida.

**Ko'Ining otini balig'i chiqaradi.** Bu bilan oilaning, jamoaning otini yaxshi, oqil farzand, ishbilarmon, uddaburro xodimlari chiqaradi. Dong'ini elga yoyadi, demoqchi bo'ladir. Elning dong'ini esa uning mard, botir, dongdor kishilari, buyuk ilm va fan darg'alari dunyoga yoyadilar, deyilmoqchi.

Ramzga yo'g'rilgan qanoat, iftixor, ishonchning badii ifodasi.

**Ko'r bo'lsang bo'l, ko'rnamak bo'lma.** Ko'rnamak — tuz ichib, tuzlug'iga tupurgan, yaxshilik ko'rgan odamiga yomonlik bilan javob qaytargan, do'stilik, vafoga xiyonat qilgan, nonko'r odam. Xalqimizning bunday kimsalarga nafrati shu qadarki, unday odam safida bo'lgandan yorug' olamni zulmat ichida ko'r radigan ko'r bo'lishni afzal biladi.

**M**

**Mag'iz achchiq bo'lsa, po'stiga ham urar.** Odam torko'ngil, tajang, serjahl, tili achchiq bo'lsa, buni uning aft-angoridan ham bilib olsa bo'ladi, degan ma'noda ishlataidilar. Bunday shaxslarga nisbatan "zahar", "odam emas, ilon", "chayonday chaqadi", deya ozorlanib gapiradilar.

Maqolda ramz, nozik qiyos, obrazli tashbeh, salbiy munosabat bo'rtib turadi.

**Mol chiqasiga kelsa, egasi sababchi bo'lar.** Kishiga mol-mulki, buyumlarini ochiq-sochiq tashlab qo'yumay, ehtiyoq qilishi lozimligini uqtirib, uni hushyorlikka chorlaydigan o'git-maqol. Muqobilari: "O'zingni ehtiyoq qil, qo'shningni o'g'ri tutma"; "Egasiz etni it tortar"; "Olgan bir aybdor, oldirgan — ikki aybdor"; "Asragan to'qlini bo'ri yemas"; "O'g'rini o'g'ri qilgan — molning egasi"...

Bu maqol bilan "Moling o'g'rlanishiga, bir hisobda, o'zing ham sababchi bo'lasan. Endi ko'p siqilaverma, so'nggi pushaymon — o'zingga dushman. Kelgan balo-qazo shunga ursin. Bola-chaqang, mol-davlatingdan sadaqa" deb jabr ko'rgan odamni yupatadilar.

**Mol egasiga o'xshamas, harom o'lar.** Xotinda arning, erda xotining, o'g'il yo qizda ota-onaning fe'l-atvori, ziqa-xasisligi, dilozorligi, qo'sligi bo'lsa, unga nisbatan shu maqolni achchiq kinoya bilan ishlataidilar. "Mol egasi" qavmning uch-to'rt avlod narisi, katta bobo yo buvisi bo'lishi ham mumkin. Suyak surgan bu xislatu sifatlar haqida "Buning avlodida bor, katta bobosi ham shunday edi, bu nuqs uning qonida bor" deya mazkur maqol ma'nosini tasdiqlaydilar.

**N**

**Non pishguncha, kulcha kuyadi.** Muqobili: "Katta to'qoch pishguncha, kichik to'qoch kuyibdi". Tandirda yopilgan nonga issiq o'tguncha kulcha qizaradi, non qizarguncha kulcha kuyib ketadi. Bu — maqolning tabiiy, o'z to'g'ri ma'nosи. Majoziy, ko'chma ma'nosи shuki, akasi uylanguncha, ukasi yoxud opasi erga tekkuncha singlisi shoshib, ichikib, mahtal bo'lib ketadi. Shunday hollarda mazkur maqolni shama, istehzo, hazil-mutoyiba tarzida qo'llaydilar.

Besabrik, bemavridlik, uning oldini olishga undovchi maqol.

**No'noq mergan oqsoq quyon izlar.** Qo'lidan ish kelmaydigan, no'noq, epsiz, ishyoqmas, tanbal, noshud, buning ustiga, dangasa va bahonachi odam sidqidildan harakat qilmay, nuqul ishning oson, o'ng'ay bitishini ko'zlasa, uning ustidan istehzo bilan kulib, shunday maqolni ishlataidilar. Albatta, no'noq merganga oqsoq quyon uchrashi amrimahol bo'lganidek, bunday odamning ishi yurishishi, ro'zg'origa qut-baraka kirishi qiyin. Shunday odamlarni hayotda faoliyka, harakat va insoniy mehnatga undovchi bezoz yumorga yo'g'rilgan ramz, timsol maqoli.

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

5-sinf ўқувчисининг мактабга боргиси келмасди. Синфдошлари орасида нокудай ҳолатда қолиш уши руҳан эзар, тенгкүллари четлатайтандек туялганни учун ўзини даврадан олиб қочарди. Боланинг юзига тушган ёнгоқдек оқ доғдан ота-она ҳам қаттиқ изтироба, шифокор ҳузурига олиб боришиганида, витилиго касаллиги ташхисини кўйиншиди. Хўш, бу қандай дард ва унинг келиб чиқиши сабаблари нимада?

Диетолог Фарҳод Муҳамедов тақдим этган маълумотларда бу касалликнинг келиб чиқиши сабаблари, ташки белгилари ва олдини олиш чора-тадбирлари акс этирилган.

### КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Меланин пигменти етишмаслиги натижасида танада оқ доғлар ҳосил бўлади. Бунга, шунингдек, қаттиқ нерв кузгалиши, ўткир ошқозон-ичак фолиятининг бузилиши, жигар функцияси сусайиши, яъни диабет касаллиги, овқат ҳазм килиш трактида гижжа ва паразитларнинг мавжудлиги, нафас олиш йўлларидаги турли ҳолатлар замин яратиши мумкин. Колаверса, жигар ўз вазифасини пассив ўтai бошлаганида, бунинг акс таъсири соч ва терида сезилади. Соч тўкилиши, терида турли касалликларнинг юзага келиши айнан ҳеч қандай нерв толаларига эга бўлмасда, организмда фильтровчи лаборатория бўлиб хизмат қиладиган жигар фаолияти бузилиши билан ҳам боғлини.

Витилиго даставвал кичик оқ доғ бўлиб кўзга ташланади, кейинчалик ҳар хил шакл ва катталика ташланади, кейинчалик ҳар хил шакл ва катталика ташланади, кейинчалик ҳар хил шакл ва катталика ташланади. Бадани бутунлай оқариб кетган кишиларни ҳам кўрамиз. Витилиго ёш ва ўрта ёш аёлларда кўпроқ учрайdi. Дарднинг организм умумий ҳолатига салбий таъсири йўқ, аммо у одамни руҳан эзади.

### КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ

Аввал терида енгил пушти ва оқиши сутранг доғлар пайдо бўлади. Доғлар боргандар сари кенгайиб, муайян чегараларни қамраб олади. Пигмент манбаси кўпинча очиқ жойлар — юз, бўйин кўз ва оғиз атрофида бўлиши мумкин.

Витилиго инсон ҳаётни ва соғлигига у қадар хавф солмайди, бор-йўли косметик нуксон бўлиб, организмда моддалар алмашиниши бузилиши билан боғлиқ. Хозирги вақтда касалликни даволашга жиддий ётибор берилмоқда, унинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида ачагина маълумотлар тўплangan. Масалан, бу касаллик аутоиммун билан боғлиқ ҳолда тасавvur қилинади. Бу нималигини таҳлил қилишга уриниб кўрайлик.

Гап шундаки, иммунистемада жиддий муаммолар бор: организм ўз хужайралари ёнига

### ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

Майдай доғларни турли крем ёки кўёшда тоблаш мумкин бўлган лосьон билан яшириши мумкин.

\*\*\*

Иссик кунда кўчага чиқаётганингизда кўёш нурини қайtaruvchi кремларни ишлатинг.

\*\*\*

Таркибида B, A, E, C витаминлари ва мис, рух, марганец моддаларни булган озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ иштеймом қилинг.

Витилигони даволашда бақатўн ҳайратланарни натижада беради. Бақатўн сув сатхада ўсуви ўсимлик бўлса ҳам, патаксимон кўринишда бўлганни учун илдизлари сувнинг таг қисмида жойлашади. У ўша илдизлари орқали сув ҳавзаларида кўпаяди. Артиқадан ташқари барча жойларда тарқалган. Ўсимлик оқмайдиган сув ҳавзаларидан учраб, тезлиқда унинг юзи қисмини қоплаб олади. Даволаш жараёнда 25 фоизгача протеин, йод, бром бор.

### ХАЛК ТАБОБАТИДАН

Бақатўн кукуни билан асални аралаштиринг. Кунига уч марта 1-2 граммдан қабул килинг.

Грек ёнғогининг яшил барглари спиртга аралаштирилиб, ҳосил бўлган эритма дефект бор жойга суркалиши лозим.

Янги узилган равоч шарбатини кунига иккى марта доғ бор жойга сурканг. Кизилпойга ўтингининг дамламасини кунига уч марта бир ош қошиқдан истеъмол килинг. Уч ҳафталик муолажадан сунг бир ҳафта танаффус қилиниши лозим. Даволаниш муддати 4-6 ой. Буни тайёрлаш учун бир ош қошиқ кизилпойга барги ёки ўтингини кайноқ сувга солиб, 30 дакика тиндириб қўйлади. Бир вақтнинг ўзида кизилпойга ёғи ҳам терига суртилиши максадга мувофиқ. Бунига учун кизилпойга ёғи билан ҳаммом сувидаги соат иситилиди, шундан сунг ўсимлик яхшилаб сикилади. Кизилпойга терилининг ультрабинафа нурларга таъсирини кучайтиради, шунинг учун муолажадан сунг кўёш ваннаси қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Даволаш дастлаб 1-2 даққицадан бошланиб, ҳар куни шунча минутдан кўпайтирилади. Бу жараён 20-30 кун

### Salomatlik saboqlari

мент — меланин тери эмас, балки мия остида ўсишга тарьсир кўрсатувчи ички секреция безидаги мелантроп гормон орқали бошқарилади. Мугахасисларнинг фикрича, касаллик ана шу гормоннинг нормал ишламаслиги оқибатида ҳам келиб чиқади.

Хозирда бу касаллик ультрабинафа нурлар билан даволанмоқда. Метоксален ва посрален препаратлари ёрдамида теридаги нуқсонлардан кутилиш мумкин, аммо касаллик буткул йўқолмайди. Бошқа усуллар ҳам бор. Шулардан бири микротўқинли резонанс терапиядир. Бу усулда беморларнинг асосий қисми енгилликка эришмоқда. Улар асосан, болалар ва ёши катта кишилардир. Чунки уларда бошқа касалликлар бўлмай, модда алмашинув жараёни бузилган, холос.

Мухими шундаки, 2-3 муоладан сўнг беморда ижобий ўзгаришлар сезила бошлайди. Даставвал доғлар орасида юқори пигментли доира ҳосил бўлади. Доғнинг ўзи эса пушти ранга киради, бунда аввали, сепкил ва капиллярлар кўриниш беради. Доғ излари аниқ ёйла бошлайди. Бу дегани, даволаниш жараёни сармали кетмоқда.

Даволаниш натижаси одамнинг ўзига ҳам боғлиқ. Гап йиллар эмас, ойлар ҳақида кетмоқда. Кишининг яшаш тарзи ва ишлар жараёни кўп нарсани аниқлаб беради. Масалан, беморлардан бири бу таъсирлардан сўнг даво толған.

### ТУРТТА ОМИЛГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Ҳар қандай касалликни даволагандан кўра, олдини олиш мақсадга мувофиқдир. Шу жумладан, витилигонинг ҳам. Тиббиёт соҳаси вакиллари соглом турмуш тарзига риоя қилган кишининг иммун системаси нормал бўлишини, мабодо у бирор касалликка чалинса, тез енга олишини ва шунинг баробарида узоқ умр кўришини таъкидлайди. Соғлом турмуш тарзи деганда, асосан туртта омил ҳисобга олиниши лозим: тозалик, оватланишда рационга риоя қилиш, танани турли таъсирлардан ҳимоялаш, унда модда алмашинувини таъминлаш.

Фарзанди соглом, кўркам, ҳар қандай жисмоний ва руҳий нуқсонлардан холи бўлишини истаган ота-оналар ана шу қоидаларга риоя қилишлари лозим.

### ДАВОЛАШ МУМКИНИ?

Витилигони даволаш қўйин кечади, гарчанд у теридаги касаллик ҳисоблансанса ҳам бутун организмнинг нуқсони ҳисобланади. Айрим беморлар фиқат теридаги доғни даволашга ҳаракат қилидилар, ваҳоланки, бунинг учун аввало ички органларни таъсирларидан ҳам бу дардга йўликиши кузатилган.

### ДАВОЛАШ МУМКИНИ?

Витилигони даволашда бақатўн ҳайратланарни натижада беради. Бақатўн сув сатхада ўсуви ўсимлик бўлса ҳам, патаксимон кўринишда бўлганни учун илдизлари сувнинг таг қисмида жойлашади. У ўша илдизлари орқали сув ҳавзаларида кўпаяди. Артиқадан ташқари барча жойларда тарқалган. Ўсимлик оқмайдиган сув ҳавзаларидан учраб, тезлиқда унинг юзи қисмини қоплаб олади. Даволаш жараёнда 25 фоизгача протеин, йод, бром бор.

Бақатўн кукуни билан асални аралаштиринг. Кунига уч марта 1-2 граммдан қабул килинг.

Грек ёнғогининг яшил барглари спиртга аралаштирилиб, ҳосил бўлган эритма дефект бор жойга суркалиши лозим.

Янги узилган равоч шарбатини кунига иккى марта доғ бор жойга сурканг.

Хулкар ТЎЙМАНОВА тайёрлади.

# "БРАЗИЛИЯГА БИРГА БОРАМИЗ"

Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ниҳоясига етган навбатдаги мундиалга таклиф этилган ўзбек ҳаками Равшан Эрматов ҳамда лайнсмен Рафаэль Илесов юртимизга қайтиб келди. Тошкент ҳалқаро аэропортида эрта тонгдан узоқ-яқиндан келган муҳлису мутахассислар, журналистлардан иборат гурух уларга пешвуз чиқди. Кутуб олиш жараёни карнай-сурнайларнинг ўзбекона наволарига уланиб, субҳидам тароватига файз кўши.

Равшан Эрматовни кутуб олиш жараёнида қатнашганлар ҳакамлар шарафига қалб сўзларини билдириди. "Қора қитъа" яшил майдонларида кечган футбол матчларида энг кўп — бешта учрашувга ҳакамлик қилган мутахассисларимиз бугун дунёнигида, уларнинг ўз соҳаси билимдомни эканини кўпчилик пировардида тан олишга мажбур бўлгани қувонарли ҳолатидир.

Табиийки, юртдошларимизнинг ана шундай юксак натижаларга эришишида Президентимиз И. Каримов томонидан спортни ривожлантириши борасида яратиб берилаетган шарт-шароитларнинг, қулийларнинг самарааси бекёёс, албатта. Бунинг учун ҳакамларимиз ҳам ўз навбатида миннатдорлик билдиришиди.

Мана, кўз очиб юмгунча, 19-жон чемпионати ҳам тарихга ай-

ланди. Энди барча жамоалар эътиборини 2014-йили Бразилия стадионларида ўтадиган жаҳон биринчилигига қаратади. Табиийки, унга қадар бир катор муҳим чемпионатлар ҳам жамоаларни синовга чорлашга улгаради. Равшан Эрматов журналистлар билан бўлган сұхбатда ана шуларни наазарда тутиб: "Келгуси жаҳон чемпионатида битта орзуим — миллий терма жамоамиз билан қатнашишдир. Бунинг учун сидқидилдан ишлшимиз ва ҳаракатни кучайтиришимиз зарур", деди.

Кимлардир футбол ўйнаб, яна кимдир уни томоша қилиб завқга тўлса, одатда жуда камтарин ва камгаплиги билан танилган Равшан Эрматов учрашувларни бошқариб роҳатланганини яшириб ўтиради: "Амалга оширган ишимиздан катта роҳат олдик. Тўғри, ҳали қиласидан ишларимиз кўп,

## Boks

муддаоси бўлмиш 1-ўрин учун кечган жангларда Аббос Атоев, Элшод Расулов, Алишер Махмудов, Жасурбек Латипов, Орзубек Шоимов, Санжар Раҳмонов ва Мирзоҳид Абдуллаев олдига кўйган мақсадларига эришган бўлса, тажриба ва маҳорат бобида бирор оқсанган боксчилар

барча рақибларини доғда қолдириб, финал осфакияти иштирок этган тонасигача етиб келишиди.

Баҳсларнинг асосий

Хоҳиджон ХОЛОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

Хуршид Тожибоев ҳамда Сардор Абдуллаев кумуш медаль билан кифояланди.

Энг қувонарлиси, ҳалқаро майдонларда ҳам юксак эътирофларга сазовор бўлиб келаётган боксчиларимиз ушбу биринчиликда жамгарган жами 9ta медаль эвазига умумжамоа ҳисобида 1-ўринни банд қилди.

Сурайё ХОЛИКОВА тайёрлади.

## МУВАФФАҚИЯТЛАР СОНИ ОРМОҚДА

Шахрисабз туманинда тоглар ва зилол сувлар бағрида жойлашган Мироқи спорт-педагогика коллежи буғунги кунда нафақат туман, балки вилоят таълим муассасаларига ҳам кадрлар этишириб берәётган имлар масканларидан бири. Коллежда таҳсил олаётган спортчилар республика ва ҳалқаро мусобақаларда фахрли ўринларни эгалламоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали совриндори Санжар Боймуродовнинг таэквандочи шогирдлари илим маскани шарафини муносиб тарзда ҳимоя килмоқда.

Яқинда бу муваффакиятлар сафини коллеж услугиси ва жисмоний тарбия ўқитувчиси Жалолиддин Келдиев раҳбарлигидаги "Зиёкор" қизлар қўл тўғри жамоаси ўз эришган ютуқлари билан тўлдириди. Аввалига Мироқи шаҳарчаси атрофида жойлашган тавлим муассасалари жамоалари билан куч синашиб,

маҳоратини оширган қизлар, кейинчалик туман миёсида мусобақаларда тенгқурларини биринкетин мағлубиятга учратди. 2011 йили Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтадиган "Баркамол авлод" спорт ўйнларининг туман саралаш босқичида иштирок этгач, Шахрисабз тиббиёт коллежи жамоаси билан бўлиб ўтган муросасиз беллашувда голиб чиқиб, вилоят босқичида қатнашиш йўлланмасини кўлга киритди.

Бу каби ғалабаларни коллежимизда спортнинг барча турлари билан шуғулланишга етарлича шарорит яратилгани билан изоҳлаш мумкин. Юртимизда спортта, жумладан, хотин-қизлар спортига қаратилаётган алоҳида эътибордан руҳланган ушбу спортичизларнинг парвози юксак бўлиши шубҳасиз.

Маргуба ТОШТЕМИРОВА, коллеж ўқитувчиси

## ЭЪТИБОРИ БЎЛИНГ

01

Кундалик ҳаётимизни "зангори олов" сиз тасаввур этишимиз қийин. Турмушимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шу ёқилғидан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг ҳаётини асрараш ҳамда моддий неъматларга етиши мумкин бўлган фавқулодда талафотлардан сақланишинг муҳим шартидир. Бунинг учун эса қўйидагиларга эътибор бериш керак:

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўнашига бепарво қараш каби ҳолатлар ёнгинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади. Учун текканде ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лак, бўёклар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига киради. Бундан ташқари кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан

ясалган турли буюмлар тез ёнишдан ташқари кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқарди.

Ҳозирги даврда ёнгинга қараш кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситаларидан самарали фойдаланиммоқда. Ана шу воситалар орасида ёнгин хавфи хақида зудлик билан хабар берувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига бўлган талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнгин туфайли келадиган зарарларни олди олинади.

Шу ўринда барча юртдошларимизни ёнгин хавфсизлигига тўла риоя қилиш ва олиб бораётган ўйжой курилиши ишларида юқорида таъкидлаб ўтилган мосламалардан фойдаланиш масалаларига эътиборли бўлишга чақирамиз.

Н. КЕНЖАБАЕВ,  
12-ҲЕХО 26-ҲЕХК  
КИЧИК ИНСПЕКТОРИ

## Futbol

лекин бизга юқлатилган вазифани уддаладик, деб ҳисоблайман".

Журналистлар томонидан берилган энг эътиборли савол куйидагича бўлди: "Финал ўйинига тайинланмаганинг сизни ранжитдими?". Чиндан ҳам ўзбекистонлик ихлосмандардан ташқари, аксарият хорижликлар ҳам финални айнан Р. Эрматов бригадаси назорат қилишини кутишаётганди. Эрматовнинг ўзи эса бунга: "Бу ёшда менга финал ўйини берилмаслигини билгандим. Ярим финалнинг ўзиёб биз учун катта натижага", деб жавоб берди.

Шу тариқа сұхбат якунланди ва мундиал ҳавоси Тошкент бўйлаб сингиб кетди... Диёrimiz футболига алоқадор бундай баҳти кунлар, байрамлар кўчаларимизни безайверсин. Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчилари бўлмиш Рафаэль Илесов ҳамда қирғизистонлик Баҳодир Кўчқоровнинг келгуси фаолиятида янги зафарлар таймиз.

## КУТИЛМАГАН ЙУҚОТИШ

Теннис бўйича Франция очиқ чемпионатида ғалаба қозоёнган Франческа Скьявоне 19 июлда Словениянинг Портороже шаҳрида ўтказилиши кутилаётган турнирда иштирок этмайди, деб ҳабар берди АП.

Чоршанба куни Теннисчи аёллар ассоциацияси турнир ташкилотчилари италиялик теннис устаси билағидан олган жароҳати туфайли мусобақада қатнаша олмаслигини мълум қилди.

«Катта дубулга» туркумига кирувчи мазкур нуғузли турнирда голибликни кўлга киритган биринчи италиялик теннисчи Скьявоне Порторожеда бўлиб ўтадиган мусобақада иккичи рақам остида кортга чиқиши керак эди. Биринчи рақам остида эса сербиялик Елена Янкович чиқиши кутилаётганди.



## 11 ОЙПИК ТАНАФУСДАН СҮНГ

ЖАР вакили Кастер Семеня қарийб бир ийлилк танафусдан сўнг ўзининг биринчи галабасини нишонлаб, мухлис ва мутахассислар эътиборига тушди, деб маълумот берди «Рейтер».

Семеня енгил атлетика мусобақаларидан бирида олган жиддий жароҳати туфайли 11 ой профессионал спорт билан шуғулана олмади. Табиийки, бу вақтда у соғигини мустаҳкамлаш ва спорт формасини қайта тикишга эътибор қаратди. Ҳалқаро енгил атлетика федерациялари ассоциацияси (IAAF) спорчига аёллар ўртасидаги мусобақаларда иштирок этишига руҳсат берди.

Финляндияда бўлиб ўтган Lappeenranta Games турнирида 19 ўшар Семеня 800 метрга югуриш баҳсида марга чизигига 4,22 сонияда етиб келди ва ғалаба қозонди. 2009 йили эса у Берлинда кечган жаҳон чемпионатида шу масофани 1 дақиқаю 55,45 сонияда забт этганди.

## ПУЙОЛЬ ХАЙРЛАШДИ

«Барселона» клуби афсонавий ҳимоячиси Карлес Пуйоль ЖАРда ўтказилган жаҳон чемпионатидан сўнг Испания терма жамоасидан кетишини маълум қилди, деб ёзди «Магса» манбаси.

Испания терма жамоаси ҳимоянни биринчилигини кўлга киритишида катта ҳизмат қилди. Айнан у Германияга қарши кечган ярим финал матчида ҳал қилувчи гол муаллифи бўлди. Аслида Пуйоль терма жамоа таркибидан чиқиши тўғрисидаги қарорга ноябрь ойидага келганди. Жамоа бош мураббийи Висенте дель Боске ва спорт директори Фернандо Йерро футбольни ушбу қарордан қайтаршига кўп бора уринишиди, аммо бу ҳаркатлар бесамар кетди.

Кизиги шундаки, Пуйоль жамоага келгандаги учрашиви ҳам Голландияга қарши кечди. Ҳимоячининг дебют матчи 2000 йилнинг 15 ноябринда бўлганди. Орадан 10 йил ўтиб, ушбу иккى терма жамоа яна учрашиши ҳамда ғалаба яна испанлар томонида бўлди (1:0).

## СЕРЖИУ — 10-БОСҚИЧИДА ТЕНГСИЗ

Португалиялик таникли велопойгачи — "Тим Радиошак" жамоаси аъзоси Сержиу Патулинико «Тур де Франс» кимўзарининг 10-босқичида ғалаба қозонди, деб ҳабар берди Франция маҳаллий нашрлари.

У Алт тоглари ёнбагридан старт олиб, Шамбери ва Гап шаҳарларигача чўзилган 179 кмлик масофани 5 соат, 10 дақиқа, 56 сонияда босиб ўтиди. Белоруслик Василий Кириенко аввалига барча рақибларидан олдинда бораётганди, бироқ финишга яқинлашганди, «Касс Дэпарн» жамоаси аъзоси иккичи ўринига тушиб қорди.

Умумий ҳисобда люксембурглик пойғани Энди Шлек ҳали ҳам биринчиликин кўлдан бой берганича йўқ, Россия вакили Меньшов эса тўртини ўринни эгаллаб турибди.

Шахина Жўраева тайёрлади.



да бораётганди, бироқ финишга яқинлашганди, «Касс Дэпарн» жамоаси аъзоси иккичи ўринига тушиб қорди.

Умумий ҳисобда люксембурглик пойғани Энди Шлек ҳали ҳам биринчиликин кўлдан бой берганича йўқ, Россия вакили Меньшов эса тўртини ўринни эгаллаб турибди.

Шахина Жўраева тайёрлади.

# КАМАЛАКДЕК ТОБЛАНГАН ФАСЛ

## Ёздаги қизгин ва шодон жараён бу:

болжонлар кувноқ таътилга ошиқадилар. Уларнинг манзили соғломлаштириш оромгоҳлари-ю, шаҳару қишлоқлардаги буви-буважонларининг кошоналари, спорт майдони-ю истироҳат боғлари бўлади. Шунингдек, бу таътил фаввора-ю музқаймоқлари билан ҳам мароқли.

## Ёздаги ҳаяжонли ва кутилган лаҳзалар бу:

абитуриентлик мақомидаги минглаб йигит-қизлар тонг салқинида мутолаа билан машғул бўлса, шом салқинида фавворалар атрофида куннинг иссиқ тафти билан бирга ҳаётида кескин бурилиш ясовчи имтиҳон ҳаяжони ҳовурини ҳам босишига интиладилар.

## Ёзда қишиғанинг ўйлаб қилинаётган ҳаракатлар бу:

далалардаги дехқон ва боғбонларнинг эл дастурхони тўкинлиги йўлида қилаётган меҳнати – қуёш нуридан ранг олиб, гарқ пишган ва пишаётган меваю сабзавотларни кўриб, бобокуёш тафтидан қизарган юзларига шукроналик табассуми инади.




## Ёздаги чечакларнинг тилаги бу:

«Илдизим сувда-ку, саратондан омон чиқаман!».

## Ёздаги табиий ҳолат бу:

тог дарёлари шиддат билан пастга интилса, одамлар имкон қадар тогнинг баландроқ қисмига ошиқадилар. Бироқ огоҳ бўлинг, тог дарёси саратонда ҳам совқоттирди.

Шерали НИШОННОВ



**Ma'rifat**

## TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rincbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rincbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rincbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida  
№ 0067 raqam bilan  
ro'yxtarga olingan.

INDEKS: 149, 150, G-622.  
Tiraji 27800.

Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosingan,  
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Oybuvi OCHILOVA,

Navbatchi:  
Zohidjon XOLOV.

\*Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatiga yuborilgan materiallar muallifiga qaytarilmaydi, belgi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, olyi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, nu'naviyat va muktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvida  
erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi».

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqt — 21.00.  
Topshirildi — 22.40  
YuA akum — 21.00